

**Вахабов Абдурахим Васикович,**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети “Макроиқтисодиёт” кафедраси  
мудир, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА “МАКРОИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎК: 330.101.8

## ***ВАХАБОВ А.В. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА “МАКРОИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ***

Мақолада “Макроиқтисодиёт” кафедрасининг шаклланиши, таркиби ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Кафедранинг фаолияти ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари ва хорижнинг етакчи университетлари билан халқаро алоқалари кесимида баён этилган. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятининг ортиши ва таълим жараёнида ўқитишнинг интерфаол усуллари қўллаш асосида таълим сифатини яхшилаш ва тайёрланаётган кадрларни рақобатбардошлигини ошириш борасида олиб бораётган ишларининг устувор йўналишлари ёритилган.

Таянч сўзлар: таълим стандарти, интерфаол ўқитиш усуллари, илмий грантлар, илмий танлов, кадрлар рақобатбардошлиги, олий таълим сифати.

## ***ВАХАБОВ А.В. НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ КАФЕДРЫ “МАКРОЭКОНОМИКА” В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ***

В статье анализируются формирование, структура и этапы развития кафедры “Макроэкономика”. Деятельность кафедры исследуется в разрезе учебно-методической, научно-исследовательской работы и международных связей с ведущими зарубежными университетами. Раскрыты приоритетные направления деятельности профессорско-преподавательского состава кафедры в области повышения качества образования и роста конкурентоспособности подготовленных кадров на основе повышения научного потенциала и использования интерактивных методов обучения в учебном процессе.

Ключевые слова: образовательный стандарт, интерактивные методы обучения, научные гранты, научный конкурс, конкурентоспособность кадров, качество высшего образования.

## ***VAKHABOV A. THE “MACROECONOMY” DEPARTMENT DEVELOPMENT DIRECTION IN THE INNOVATION ECONOMY FORMING CIRCUMSTANCES***

In the article is disclosed the formation, structure and stages of development of the «Macroeconomics» department. The activities of the department in the context of educational and methodological, research work and international relations with the world leading universities are studied. The priority areas of activity of the teaching staff of the department in the field of improving the quality of education and increasing the competitiveness of trained personnel on the basis of increasing the scientific potential and using interactive teaching methods in the educational process are revealed.

Key words: education standard, interactive teaching methods, scientific grants, scientific competition, competitiveness of personnel, quality of higher education.



1996 йилдан буён кафедрага и.ф.д., проф. А.В. Вахабов раҳбарлик қилмоқда.

### Кафедранинг ташкил топиши тарихи

“Макроиқтисодиёт” (собик Халқаро Иқтисодий Муносабатлар) кафедраси 1992 йилда табиий факультетларни иқтисодий назарияси кафедраси негизда ташкил этилган. Университетнинг табиий факультетларни иқтисодий назарияси кафедраси 1964 йилда шаклланган бўлиб, университетнинг проф. И.М.Столяров, проф.В.Н.Малинин, проф. А.И.Ибрагимов, проф. М.Л.Турсунхўжаев, проф. А.А.Абдуғаниев, доц.Ф.С.Наточиев, доц. Н.М.Науменко, доц. Л.И.Савранская, доц. Р.А.Арискина, доц. А.О.Ортиқов, доц. Қ.Хабибуллаев, доц. М.И.Камолова каби етакчи олимлари ушбу кафедрада талабаларга билим беришган ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

1966 йилдан бошлаб ушбу кафедра негизда Ўрта Осиёда ягона иқтисодий назария ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш фаолият юритган. Кафедра ташкил этилгандан бошлаб 2009 йилгача Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши бўйича бакалавр ва Халқаро иқтисодий муносабатлар, Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланган. 2010 йилда кафедрада Макроиқтисодиёт мутахассислиги бўйича магистрларни тайёрлаш бошлаганлиги учун кафедранинг номи Макроиқтисодиётга ўзгартирилди. Кафедра 2010-2011 ўқув йилидан Ижтимоий иш (пенсия таъминоти) йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаб келмоқда. 1996 йилдан буён кафедрада 08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси ва 08.00.02 – Макроиқтисодиёт ихтисосли-

клари бўйича докторантура фаолият кўрсатмоқда. 1992-1996 йилларда халқаро иқтисодий муносабатлар кафедрасига и.ф.д., проф. Т.Ж.Нуруллаев бошчилик қилган.

### Кафедра таркиби ва илмий салоҳияти

Кафедра ўзининг илмий-педагогик салоҳияти бўйича иқтисодиёт факультетининг етакчи кафедраларидан бири бўлиб, унинг илмий салоҳияти 2021 йилда 65%ни ташкил этди. Ушбу кафедрада 1992-2010 йилларда и.ф.д., проф. Ф.Т.Эгамбердиев, и.ф.н., проф. Н.Г.Муминов, и.ф.н., доц. Н.А.Зикриллаева, доц. Ш.Ишмухамедов, доц. У.Иноғомов, доц.Д.А.Элов, и.ф.н., У.Расулов, и.ф.н., доц. Д.А.Таджибаевалар фаолият юритишган. 2022 йилда кафедрада 20 штат бирлигидаги профессор-ўқитувчилар, жумладан, и.ф.д., проф. А.В.Вахабов, и.ф.д., проф. Р.А. Алимов, и.ф.н., доц. О.А. Кулматов, и.ф.н., доц. Ш.Ш.Захидова, и.ф.н., доц. Л.Ш. Султонова, и.ф.н., доц. А.Т.Умаров, PhD К.Б.Шарипов, PhD С.Р.Нурмухамедов, PhD Х.Х.Реджапов, PhD Х.М.Ақромов, PhD Б.Б.Бахтиёров, PhD М.Н. Умурзакова, катта ўқитувчилар. Ш.Х.Хажибакиев, Н.А.Рахматова, У.А.Райхонов, Ш.И.Рахманов, Д.Ш. Одинаев, Ж.Н. Файзуллаев, О.С. Дўстмухамедов, ўқитувчилар А.Ш. Мирзаева, Б.И. Рахмонов, У.Б. Мавлянова, М.А. Маманазаровлар самарали фаолият олиб боришмоқда.

Кафедранинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот мавзуси “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш” деб номланади ва кафедранинг профессор-ўқитувчилари, докторантлари томонидан 2016-2021 йилларда 700дан ортиқ илмий ва илмий-услубий ишлар жумладан, 16 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, 15 та илмий монография, SCOPUS базасига кирган халқаро журналларда 14 та илмий мақолалар нашр этилган. 2000-2021 йилларда кафедра аъзолари томонидан университетнинг “ижтимоий иш (пенсия таъминоти)”, “иқтисодиёт (соҳалар ва тармоқлар бўйича)”, “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” йўналишлари талабалари учун қуйидаги дарсликлар тайёрланган ва нашр этилган: 1. А.В.Вахабов, Г.Х.Разыкова, Ш.Х.Хажибакиев “Жаҳон иқтисодиёти”. Дарслик. –Тошкент, “Университет”, 2006, 302 б.; 2. А.В.Вахабов, Н.К.Худякова “Халқаро валюта-кредит ва молия муносабатлари”. Дарслик. 1-қисм. -Тошкент “Университет” нашриёти, 2003. 276 б.; 3. А.В.Вахабов, Н.К.Худякова “Халқаро

валюта-кредит ва молия муносабатлари". Дарслик. 2-қисм. Тошкент "Университет" нашриёти, 2003. 263 б.; 4. А.В.Вахабов, Д.А.Таджибаева, Ш.Х.Хажобакиев "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар". Дарслик. -Тошкент: Baktria press, 2015, 584 б. Ушбу дарслик 2016 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган йилнинг энг яхши дарслиги номинацияси бўйича Республикада I ўринни эгаллаган; 5. А.В.Вахабов ва бошқалар "Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси". Дарслик. -Тошкент.: "IQTISOD-MOLIYA", 2018, 400 б.; 6. А.В.Вахабов ва бошқалар "Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотга кириш". Дарслик. -Тошкент.: "IQTISOD-MOLIYA", 2018, 180 б.; 7. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев, Ш.О.Тошматов "Яшил иқтисодиёт". Дарслик. -Тошкент, "Университет", 2020, 296 б.; 8. "Микроэкономическая теория и практика" М.Маманазаров. Учебник. Бухара. 2020. 420 с.; 9.Х.П.Абулқосимов, А.А.Кулматов "Институционал иқтисодиёт". Тошкент, 2020, - 430 б.

Таҳлил этилаётган даврда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўқиладиган фанлар бўйича қуйидаги ўқув қўлланмалари нашр этилган: 1. А.В.Вахабов ва бошқалар "Амалий иқтисодиёт". Ўқув қўлланма. -Тошкент. "Шарқ", 1996. -234 б.; 2. А.В.Вахабов, Г.Х.Разыкова, Ш.Х.Хажобакиев "Жаҳон иқтисодиёти". Ўқув қўлланма. II қисм. -Тошкент, "Университет", 2006, 320 с.; 3. А.В.Вахабов и др. «ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок. Всемирная торговая организация и страны СНГ». Учебное пособие. -М.: «Эксмо», 2008, 395 с.; 4. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев "Хорижий инвестициялар". Ўқув қўлланма. -Т.: "Молия", 2010. -238 б.; 5.А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар". Ўқув қўлланма. -Т.: "Молия", 2011. -708 б.; 6.А.В.Вахабов ва бошқалар "Молиявий саводхонлик асослари". Ўқув қўлланма. -Тошкент: Baktria press. 288 б.; 7.А.В.Вахабов ва бошқалар "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар". Ўқув қўлланма. -Тошкент.: "IQTISOD-MOLIYA", 2014, 372 б.; 8."Модернизация экономики". Ўқув қўлланма. -Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2014, 200 с.; 9.А.В.Вахабов ва бошқалар "Ижтимоий сиёсат". Ўқув қўлланма. -Тошкент. "Mumtoz so'z", 2019. 242 б.; 10.А.Вахабов, М.Бутабоев "Макроиқтисодиёт". Ўқув қўлланма. -Т.: "Navro'z". 2019. 320 б.; 11.О.С.Дусмухамедов "Основы креативного предпринимательства". Учебное пособие. ГИИКУз. -Ташкент, 2021. -158 с.

Кафедра илмий-тадқиқот борасидаги фаолиятининг устувор йўналишларидан бири илмий тадқиқот натижаларини илмий монография ва илмий мақолалар кўринишида нашр этиш ҳисобланади. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 1991-2021 йилларда мамлакатимизда ва хорижда қуйидаги илмий монографиялар нашр этилди: 1.А.В.Вахабов и др. "Социальные реформы в странах с переходной экономикой (проблемы и опыт)", Монография. - М.: МГУ ИКЦ «ДИС», 1997. 223 с.; 2.А.В.Вахабов "National currency of Uzbekistan – the Soum. / Central Eurasia: national Currencies". Monograph. Stockholm, "CA&CC Press", 2008. Sweden. -312 p.; 3.А.В.Вахабов ва бошқалар "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва чиқиш йўллари". Монография. -Тошкент: "Akademnashr" 2009, 141 б.; 4.А.Вахабов и др. "Особенности управления рисками инвестиционных проектов в коммерческих банках". Монография. - Тошкент, "IQTISOD-MOLIYA", 2009, 152 б.; 5.А.В.Вахабов ва бошқалар "Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳособот стандартларини жорий этиш методологияси". Монография. -Т.: "Молия", 2011. -188 б.; 6.А.Вахабов и др. "Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики". Монография. -Т.: "Молия", 2011, -300 б.; 7.А.В.Вахабов ва бошқалар "Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш йўналишлари". Монография. -Т.: "Молия", 2012. -108 б.; 8.А.В.Вахабов и др. "Проблемы и перспективы развития рынка ценных бумаг в условиях глобализации (опыт Казахстана, Азербайджана и Узбекистана)". Монография. Евразийский национальный университет им. Л.Н. Гумилева. Астана 2015. ИП «Булатов А.Ж.», 2015. -264с.; 9.А.В.Вахабов, Н.М.Мажидов "Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли". Монография. "Университет" нашрети. Тошкент. 2017. 128 б.; 10.А.В.Вахабов и др. "Зелёная экономика", как основа устойчивого развития (Экономический рост без ущерба для экологии). Монография. -Т.: "Aloqachi", 2019, 480 с.; 11.М.Мирзакаримова "Аҳоли иш билан бандлик таркибини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари". Монография. -Тошкент.: "Наврўз" нашрети, 2019. 228 б.; 12.А.В.Вахабов, Ш.Х. Хажобакиев, Ш.А. Тошматов "Жаҳонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш моделлари ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш

хусусиятлари". Монография. Тошкент, "Университет" нашриёти, 2020. 278 б.; 13.А.В.Вахабов, Б.Б. Бахтиёров "Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш" Монография. Тошкент, "Университет" нашриёти, 2020. 155 б.; 14.Х.Х.Режапов "Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг методологик муаммолари". Монография. -Тошкент, "Университет" нашриёти, 2021. 186 б.; 15.М.Н.Умурзакова "Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртани ривожлантиришнинг истиқболлари". Монография. -Тошкент, 2021. 131 б.; 16.А.В.Вахабов, М.Д.Аманова и др. "Современные особенности влияние теневой экономики на постсоветском пространстве и пути смягчения её последствий". Международная коллективная монография. -Т.: Университет. 2021. -372 с. 17.Қ.Б.Шарипов "Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш". Монография. -Т.: "Иқтисодиёт", 2021. 156 б.

Макроиқтисодиёт кафедраси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири илмий-тадқиқот ишлари ҳисобланади. 1991-2021 йилларда Кафедра аъзолари ўн та халқаро илмий грантларга сазовор бўлдилар ва амалга оширилмоқда.

1. Илк грантга кафедра аъзолари 1994 йилда "Тошкент Давлат университетида замонавий жаҳон тилларини ўқитиш" мавзусидаги Европа Иттифоқининг "ТАСИС-ТЕМПУС" дастури илмий грантига Копенгаген (Дания), Суррей (Буюк Британия) университетлари билан биргаликда сазовор бўлди. Ушбу грант доирасида 1994-1995 йилларда факультетнинг тўртта профессор-ўқитувчилари Европа таълим тизими ва ўқитиш педагогикасини, етакчи университетларни илмий-педагогик салоҳияти ва имкониятларини ўрганиш учун хизмат сафарига бўлдилар.

2. проф. А.В.Вахабов раҳбарлигида кафедра аъзолари 1996-1997 йилларда "Ўзбекистонда жаҳон тилларини ўқитиш ва таржимани яхшилаш" мавзусидаги Европа иттифоқининг Темпус-Тасис дастури грантига сазовор бўлинди. Ушбу лойиҳа доирасида иқтисодиёт факультетининг 5 профессор-ўқитувчилари Копенгаген университети (Дания) ва Суррей университети (Буюк Британия) билан ҳамкорлик доирасида ушбу университетларда 3 ойлик стажировкада бўлиб илмий-педагогик, касбий жиҳатдан малака оширишди,

битирувчи курслардаги уч талаба эса 6 ой мобайнида ушбу университетларда стажировкада бўлиб, хорижий профессорлар раҳбарлигида диплом ишларини инглиз тилида ёзиб, ҳимоя қилишди. Ушбу университетларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ТошДУ иқтисодиёт факультети талабалари учун инглиз тилида маърузалар ўқишди, давра суҳбатлари ўтказишди. Ушбу лойиҳа доирасида иқтисодиёт факультети учун 3000 дан ортиқ инглиз, немис, француз тилларида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқитишнинг техник воситалари, 50 дан ортиқ оргтехника: компьютерлар, принтерлар олиниб, факультет кафедралари моддий-техник базаси яшиланди. Шунингдек лойиҳа доирасида Копенгаген университети профессор-ўқитувчилари томонидан халқаро ёзги мактаб ташкил этилиб университетнинг чет тиллари кафедралари профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари бизнес инглиз тили ва халқаро протокол-этикет бўйича малака оширишди.

3. 1998 йилда иқтисодиёт факультети декани, "Халқаро иқтисодий муносабатлар" кафедраси мудири проф. А.В.Вахабов Дания Ташқи Ишлар вазирлигининг "МДХ мамлакатларида демократияни ривожлантириш" жамғармасининг грантига сазовор бўлди. Ушбу грант доирасида университет, иқтисодиёт факультетининг етакчи 25 профессор-ўқитувчилари Данияда икки ҳафталик ўқув сафарига бўлиб малака оширилди.

4. 1995-2001 йилларда проф. А.В.Вахабов бошчилигида Умумжаҳон Банки Гуруҳининг Иқтисодий Ривожланиш Институтини "Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий сиёсатни ислоҳ этиш ("Sprite")" илмий-ўқув грантига сазовор бўлинди. Ушбу грант доирасида мамлакатнинг ижтимоий соҳа комплексига кирувчи вазирликларининг мутасадди давлат хизматчилари, Олий Мажлис депутатлари, журналистлари, Марказий Осиё олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун ижтимоий сиёсатни ислоҳ этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими, ижтимоий хизматларни ривожлантириш, ижтимоий суғуртани ислоҳ этиш, меҳнат бозорини шаклланиши ва бандликни таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ислоҳ этишни молиялаштириш, ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг минтақавий жиҳатлари каби долзарб мавзуларига бағишланган 32 халқаро ўқув семинарлари ўтказилди, ижтимоий соҳа комплексига кирувчи вазирликларнинг 20 ва иқтисодиёт факультетининг 15 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари ривожланган,

ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий соҳани ислоҳ этишнинг бой тажрибаси билан танишиш учун малака ошириш курслари, ўқув сафарлари, малака ошириш стажировкаларида бўлишди. Лойиҳа доирасида иқтисодиёт факультети ва кафедранинг моддий-техника базасини ривожлантиришга қаратилган кўп сонли оргтехника, ўқитишнинг техник воситалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва канцелярия товарлари олинди.

5. 1998-2001 йилларда макроиқтисодиёт кафедраси проф. А.В.Вахабов раҳбарлигида Европа Иттифоқининг Тасис-Темпус дастурининг Тошкент Давлат Университетида “Халқаро иқтисодий муносабатлар” магистратура мутахассислигини очиш тўғрисидаги Экзетер (Буюк Британия), Бильефельд (Германия), Гент (Бельгия) университетлари билан ҳамкорликдаги ўқув грантига сазовор бўлди. Ушбу грант ёрдамида “Халқаро иқтисодий муносабатлар” мутахассислиги бўйича магистратура босқичини ташкил этишнинг меъёрий ҳужжатлари, жумладан давлат таълим стандарти, намунавий ва ишчи ўқув режалари, намунавий ва ишчи фан дастурлари ишлаб чиқилди, маъруза матнлари тайёрланди. Кафедранинг 6 етакчи профессор-ўқитувчилари ва ёш иқтидорли ўқитувчилари Экзетер ва Бильефельд университетларида икки ҳафталик малака ошириш стажировкаларида бўлишди. Ушбу университетларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари эса иқтисодиёт факультети “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” йўналиши профессор-ўқитувчилари, магистрантлари, докторантлари ва талабалари учун махсус курслар доирасида маърузалар ўқишди, давра суҳбатлари ўтказишди. Иқтидорли талабалар учун Европа Иқтисодий интеграциясининг ривожланиш йўналишларига оид халқаро ёзги мактаблар ташкил этилди. Ушбу халқаро грантларни амалга ошириш натижаси ўлароқ иқтисодиёт факультетининг 12 талабаси “Умид” жамғармаси грантлари учун ўтказилган Республика танловида ғолиб деб топилди ва жаҳоннинг етакчи университетларида магистратура ва бакалавриат босқичларида ўқиш имкониятига эга бўлишди.

6. 2001-2002 йилларда профессор А.В.Вахабов томонидан Умумжаҳон Банки Гуруҳининг “Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия тизимини ислоҳ этишнинг йўналишлари” мавзусидаги давлат хизматчиларини виртуал ўқитишга бағишланган илмий грантига сазовор бўлинди. Ушбу грант доирасида 50га яқин ижтимоий соҳа комплексига

кирувчи вазирликларнинг масъул давлат хизматчилари ва иқтисодиёт факультетининг 15 профессор-ўқитувчилари, докторантлари, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда икки ҳафталик малака ошириш курсларида ўқишда ва малака ошириш сертификатига эга бўлишди.

7. 2005 йилда проф. А.В.Вахабов бошчилигидаги кафедра ишчи гуруҳи АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ЮСАИД (USAID)нинг “Ўзбекистонни Умумжаҳон савдо ташкилотига киришининг мамлакат озиқ-овқат саноатига таъсирини миқдорий ва сифат оқибатларини баҳолаш” (2005 й.) илмий грантига сазовор бўлди. Ушбу илмий грантининг мақсади Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви, жумладан Ўзбекистоннинг Умумжаҳон Савдо Ташкилотига (УЖСТ) аъзо бўлишининг озиқ-овқат саноатига таъсири оқибатларини аниқлаш, УЖСТ киришининг озиқ-овқат саноати учун оптимал стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврларда Ўзбекистон иқтисодиёти озиқ-овқат тармоғини Умумжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишда кутилиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш, мамлакат озиқ-овқат саноатини қўллаб-қувватлашга оид тизимли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

8. “Марказий Осиёда Олий Таълим. Модернизациялаш муаммолари”. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки/ Жаҳон банки лойиҳаси (2005-2006 йй.). Ушбу илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида Ўзбекистонда бозор муносабатлари нуқтаи назаридан олий таълим тизимини ташкил этиш ва бошқариш, олий ўқув юртлари мустақиллигини кенгайтириш, таълим сифатини яхшилаш ва жаҳон таълим тизимига интеграциялашувни устувор йўналишлари таҳлил қилинди.

9. Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган Микромолиялаш институтлари Миллий ассоциацияси ва Микромолия Маркази (Польша) ҳамкорлигида амалга оширилган “Молиявий Саводхонлик Дастури – 2 (2011-2015 йиллар)” лойиҳаси доирасида академик лицей ва коллеж талабалари учун Молиявий саводхонлик асослари: ўқув қўлланмаси А.В.Вахабов, Ш.А. Тошматов, Н.Х. Хайдаров, А.В. Вахабов. – Тошкент: Бактрия Пресс, 2013, 288 б. тайёрланди ва нашр этилди.

10. Германия Федератив республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Берлин Техника Университети билан ҳамкорликда тайёрланган “MikroKlima FfE\_IB-017” Марказий Осиёда уй хўжаликлари кичик

ва ўрта корхоналар(КЎК)ни иқлим ўзгаришига микромолиялаштириш дастаклари ёрдамида мослаштириш илмий грантига сазовор бўлинди. Ушбу грант доирасида муқобил энергиядан тоғ олди лалми ерларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолияти таҳлил этилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун амалий семинарлар, дала тадқиқотлари ўтказилди ва уни қўллаб-қувватлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Халқаро грантлар билан биргаликда мустақиллик йилларида кафедра аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 3 фундаментал ва 3 амалий грантларига сазовор бўлинди ва муваффақиятли амалга оширилди.

#### **Фундаментал грантлар**

1. ОТ-Ф-124 – Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва қишлоқ ҳудудларида институционал ислохотларни чуқурлашуви (2007-2011 йй.). Ушбу грант доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялашдаги ўрнини баҳолаш, уларни жалб этишни рағбатлантиришнинг дастаклари самарадорлигини ошириш, саноат сиёсатини модернизациялаш ва миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказишнинг концептуал асослари тадқиқ этилди, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш механизмини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

2. Ф-1-115 – Иқтисодиётни модернизациялашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш (2012-2016 йй.). Лойиҳа доирасида миллий инновация тизимининг ҳолати баҳоланди, ривожланиш тенденциялари ва муаммолари, ривожланган мамлакатларда инновация сиёсатини амалга оширишнинг илғор, бой тажрибалари ва юқори технологиялар бозорининг ривожланиш қонуниятларидан Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишда ижодий фойдаланиш имкониятлари аниқланди ва миллий инновация тизимини 2020 йилгача бўлган муддатда инновация ривожланишининг мақсадли прогноз кўрсаткичлари, муқобил ривожланиш сценарийлари ишлаб чиқилди.

3. Ф-1-176 – Барқарор иқтисодий ривожланишни “яшил иқтисодиёт” асосида таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш (2017-2020 йй.). Илмий-тадқиқот лойиҳасининг мақсади – Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштиришга қаратилган тизимли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”ни шаклланиш ҳолати баҳоланди, ривожланиш тенденциялари ва муаммолари аниқланди, мамлакатда “яшил иқтисодиёт”ни шакллантиришнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш ва Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган ривожланиш стратегиясида режалаштирилган ресурсларни тежайдиган ривожланиш йўлига ўтиш йўналишлари аниқланган.

#### **Амалий грантлар**

1. А-2-61 – Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари (2014-2016 йй.). Лойиҳада мамлакат пенсия тизими ҳолати халқаро андозалар асосида комплекс баҳоланди, пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва пенсия фонди самарадорлигини оширишнинг омиллари, кўрсаткичлари, мезонлари қиёсий таҳлил этилди. Ўзбекистонда актуар ҳисоблар ва демографик омиллар таъсирини ҳисобга олиб, узоқ муддатли даврга мўлжалланган пенсия тизимини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг, молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муқобил сценарийлари ишлаб чиқилди.

2. ПЗ-20170930109 - Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш йўналишлари (2018-2020 йй.). Ушбу илмий грант мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат эди. Лойиҳада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг концептуал асосларини таҳлил этиш асосида ривожланган мамлакатларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ этиш ва манзиллигини кучайтиришнинг бой тажрибасидан Ўзбекистонда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш амалиётида ижодий фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. А-ОТ-2021-461 - Умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш бўйича мултимедиа технологияларига асосланган ўқув курси платформасини яратиш (2021-2022йй.). 2021-2022 йилларда амалга оширилаётган амалий илмий грантнинг мақсади умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини молиявий саводхонлик даражасини ошириш мақсадида “Молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозори” онлайн электрон платформаси ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришдан иборат. Офлайн кўринишда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун миллий, минтақавий ўқув семинарлари, илмий ва амалий тренинглари ташкил этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига амалиётда қўллаш учун тақдим этилади.

Кафедрада 2005-2021 йилларда амалга оширилган фундаментал ва амалий илмий грантларнинг оралиқ ва якуний ҳисоботлари, илмий натижаларини апробациядан ўтказиш мақсадида 22 та халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари ўтказилди ва конференция материаллари тўпламлари нашр этилди.

#### **Кафедрада яратилган илмий мактаб ҳақида маълумот**

Кафедрада таниқли олим и.ф.д., проф. А.В.Вахабовнинг раҳбарлигида “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий осийни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш” мавзусида илмий мактаб яратилган, унинг раҳбарлигида жами 36 та, жумладан олти иқтисодиёт фанлари докторлари ва ўттизта иқтисодиёт фанлари номзодлари шунингдек, уч нафар хорижлик олимлар Ким Се Гон (Корея Республикаси), Бахар Буртан Доган (Туркия), Нуралиев Нуриддин Нуралиевич (Қирғизистон Республикаси) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишган. Жумладан 2010-2021 йилларда кафедрада унинг раҳбарлигида иқтисодиёт фанлари бўйича 6 фан доктори ва 12 фалсафа докторлари (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилдилар ва илмий даражаларга эга бўлдилар. Ҳозирда кафедранинг 4 нафар докторант ва мустақил-тадқиқотчилари докторлик (DSc), 10 нафар таянч докторант ва мустақил тадқиқотчилари фалсафа доктори (PhD) диссертациялари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Макроиқтисодиёт кафедраси мудири проф. А.В.Вахабов иқтисодчи олим сифатида жаҳоннинг қуйидаги етакчи университетларида, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида малака оширган, илмий стажировкада бўлган, маърузалар ўқиган, халқаро илмий-амалий конференциялар, симпозиумларда илмий маърузалар билан қатнашган: Варшава университети (Польша, 1989 й.); Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти (АҚШ, 1995 й.); Копенгаген университети (Дания, 1995 й.); Копенгаген бизнес мактаби (Дания, 1998 й.); Суррей университети (Буюк Британия, 1995 й.); Москва Давлат университети (Россия, 1990 й., 1995 й., 1996 й., 2006 й.); Киев Давлат университети (Украина, 1995 й., 1996 й.); Бирлашган Вена Институти (Австрия, 1996 й., 1997 й., 1998 й.); Россия Президенти ҳузуридаги Давлат хизматчилари академияси (Россия, 1996 й., 1997 й.); Россия ҳукумати ҳузуридаги Молия университети (Россия, 2007 й., 2009 й.); Қозоғистон Миллий университети (Қозоғистон, 1995 й., 1996 й., 2006 й.); Чонжу университети (Корея Республикаси, 1996 й.); Боку Давлат университети (Озарбайжон, 1995 й., 1996 й.); Молдова Бошқарув академияси (Молдова, 1996 й.); Тожикистон миллий университети (Тожикистон, 1995 й., 1996 й., 1997 й.); Тель-Авив университети (Исроил, 1997 й.); Тбилиси Давлат университети (Грузия, 1997 й.); Амстердам университети (Нидерландия, 1997 й.); Ереван Давлат иқтисодиёт университети (Арманистон, 1998 й.); Гарвард университети (АҚШ, 1999 й.); Будапешт университети (Венгрия, 2000 й.); Экзетер университети (Буюк Британия, 2001 й.); Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (Қирғизистон Республикаси, 1996 й., 2006 й., 2016 й.); Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Шарқий Европа, Россия, Кавказ, Марказий Осиё институти (Хитой, 2005 й.); Брюссель университети (Бельгия, 2007 й.); Молиявий технологияларни узатиш агентлиги, Люксембург Университети (Люксембург, 2007 й., 2010 й.); Бременхафен технологиялар университети, Бремен университети (Германия, 2008 й., 2017 й.); Франкфурт молия ва менежмент Академияси (Германия, 2007 й., 2009 й.); Потсдам университети (Германия, 2007 й.); Шанхай университети (Хитой, 2008 й.); Сингапур Менежментни ривожлантириш институти (Сингапур, 2007 й.); Ёджу технология институти (Корея Республикаси, 2008 й.); Миср Марказий Банки ҳузуридаги Илмий-ўқув маркази (Миср, 2009 й.); Япония молия вазирлиги ҳузуридаги Сиёсий тадқиқотлар институти (Япония, 2009 й., 2010 й.);

Санкт-Петербург Халқаро Банк институти (Россия, 2011 й.); Прага Олий Иқтисодиёт мактаби (Чехия, 2011 й.); Прага Иқтисодиёт ва менежмент университети (Чехия, 2012 й.); Корея ривожланиш институти (Корея Республикаси, 2016 й.); Сеул Миллий университети (Корея Республикаси, 2016 й.).

Кафедра аъзолари таълим сифатини яхшилаш, тайёрланаётган кадрларни меҳнат бозори, истеъмолчилар талабларини мувофиқ тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва уни ҳузуридаги Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, "Трансбанк" хусусий акциядорлик банки билан кадрлар тайёрлаш борасида икки томонлама инновацион-кооперация шартномаларига эга. Жумладан "Трансбанк" ХАБ шартнома доирасида 2021 йилда кафедра моддий техника базасини яхшилаш ва тайёрланаётган кадрлар сифатини яхшилаш мақсадида факультет ўз ўқув марказини очиш, кафедранинг жиҳозлаш учун 154 млн. сўм ажратди.

#### **Кафедранинг халқаро алоқалари бўйича маълумот**

Кафедра сўнги йилларда Германиянинг Бременхафен Амалий фанлар университети, Берлин Техника университети, Италиянинг Сапиенца Университети, Россия Халқлар Дўстлиги университети, Россия ҳукумати ҳузуридаги Молия Университети ва Дон Техника Университетлари билан илмий-тадқиқот, кадрларни тайёрлаш, кадрларни айирбошлаш, малакасини ошириш, биргаликда халқаро илмий-амалий конференциялар ва халқаро ёзги мактаблар ўтказиш тўғрисида ҳамкорлик шартномалари амалга оширилмоқда.

Кафедранинг иқтидорли талабалар билан олиб борган ишлари ҳақида маълумот

Кафедрада иқтидорли талабалар билан мунтазам шахсий дастурлар асосида иш олиб борилади. Сўнги йилларда талабалар ўртасида ўтказилган халқаро ва республика фан олимпиадаларида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган қўйида номлари келтирилган талабалар фахрли ўринларни эгаллашди:

2015 йилда МДХ мамлакатлари ўртасида ўтказилган "Высшая школа экономики" Олий ўқув юрти томонидан ташкил этилган халқаро олим-

пиадада Марказий Осиёда 3-ўринни Тўхтаев Беҳзод (раҳбар проф. Вахабов А.В.), Ўзбекистон иқтисодиёти фани бўйича биринчи ўрин Тўхтаев Беҳзод (раҳбар проф. Вахабов А.В.), Молия ва кредит фанидан иккинчи ўрин Ҳамдамов Асилбек (раҳбар Раҳматова Н.А.), Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанидан Сидоров Александр учинчи ўринни (раҳбар доц. Разиқова Г.Х.) эгаллашди;

2016 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти фани бўйича Республика фан олимпиадасида биринчи ўринга Ҳамдамбоев Шоҳзод (раҳбар проф. Вахабов А.В.), Молия ва кредит фанидан иккинчи ўринга Шарипов Сухроб (раҳбар Раҳматова Н.А.), Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт фани бўйича эса учинчи ўринга Саидрасулова Муқаддамхон (раҳбар кат.ўқит. Одинаев Д.Ш.) сазовор бўлдилар;

2017 йилда Иқтисодиёт назарияси фани бўйича Республика фан олимпиадасида биринчи ўринга Ҳолтоев Мирусмон (раҳбар проф. Вахабов А.В.); Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани бўйича иккинчи ўринга Муллаева Муниса (раҳбар доц. Разиқова Г.Х.); Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт фани бўйича учинчи ўринга Мадрахимова Шохиста (раҳбар кат.ўқит. Раҳманов Ш.И.) лойиқ деб топилди;

2018 йилда Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт фанидан Республика фан олимпиадасида учинчи ўринни Мадрахимова Шохиста (раҳбар кат.ўқит. Раҳманов Ш.И.) эгаллади;

2021 йилда Россия ҳукумати ҳузуридаги Молия университети 2020-2021 ўқув йилида ташкил этилган "International Insurance Olimpy 2021" Халқаро суғурта олимпиадасида Ижтимоий иш (Пенсия таъминоти) йўналиши 4-курс талабаси Кайимова Анжелика биринчи ўринни (раҳбар Мирзаева А.Ш.) эгаллади. Ҳозирда макроиқтисодиёт кафедрасининг ёш, салоҳиятли жамоаси томонидан кафедра фаолиятининг ҳамма йўналишларида модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмоқда. Келгусида кафедрада "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар", "Банк иши" йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, янги илмий грантларни тайёрлаш ва танловларда қатнашиш, таълим сифатини яхшилаш ва тайёрланаётган кадрларни рақобатбардошлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқдалар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. "Мировая экономика". Учебник. – Ташкент, "Университет", 2006, 302 с.
2. Вахабов А.В., Худякова Н.К. "Международные валютно-кредитные и финансовые отношения". Учебник. Часть 1. - Ташкент: изд."Университет", 2003. 276 с.
3. Вахабов А.В., Худякова Н.К. "Международные валютно-кредитные и финансовые отношения". Учебник. Часть 2. - Ташкент: изд."Университет", 2003. 263 с.
4. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар". Дарслик. - Тошкент: Baktria press, 2015, 584 б.
5. Вахабов А.В. ва бошқалар "Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси". Дарслик. - Тошкент.: "IQTISOD-MOLIYA", 2018, 400 б.
6. Вахабов А.В. ва бошқалар "Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотга кириш". Дарслик. - Тошкент.: "IQTISOD-MOLIYA", 2018, 180 б.
7. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Тошматов Ш.О. "Яшил иқтисодиёт". Дарслик. – Тошкент, "Университет", 2020, 296 б.
8. "Микроэкономическая теория и практика" Маманазаров М. Учебник. - Бухара. 2020. 420 с.
9. Абулқосимов Х.П., Қулматов А.А. "Институционал иқтисодиёт". Дарслик. - Тошкент, 2020, - 430 б.
10. Вахабов А.В. ва бошқалар "Амалий иқтисодиёт". Ўқув қўлланма. - Тошкент. "Шарқ", 1996. -234 б.
11. Вахабов А.В. , Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти". Ўқув қўлланма. II қисм. – Тошкент, "Университет", 2006, 320 с.
12. Вахабов А.В. и др. «ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок. Всемирная торговая организация и страны СНГ». Учебное пособие. – М.: «Эксмо», 2008, 395 с.;
13. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. "Хорижий инвестициялар". Ўқув қўлланма. - Т.: "Молия", 2010. -238 б.
14. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар". Ўқув қўлланма. – Т.: "Молия", 2011. -708 б.
15. Вахабов А.В. ва бошқалар "Молиявий саводхонлик асослари". Ўқув қўлланма. - Тошкент: Baktria press. 288 б.;
16. Вахабов А.В. ва бошқалар "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар". Ўқув қўлланма. - Тошкент.: "IQTISOD-MOLIYA", 2014, 372 б.;
17. "Модернизация экономики". Учебное пособие. - Ташкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2014, 200 с.;
18. Вахабов А.В. ва бошқалар. "Ижтимоий сиёсат". Ўқув қўлланма. –Тошкент. "Mumtoz so'z", 2019. 242 б.;
19. Вахабов А.В., Бутабоев М. "Макроиқтисодиёт". Ўқув қўлланма. – Т.: "Navro'z". 2019. 320 б.;
20. Дусмухамедов О.С. "Основы креативного предпринимательства". Учебное пособие. ГИИКУз. – Ташкент, 2021. -158 с.
21. Вахабов А.В. и др. "Социальные реформы в странах с переходной экономикой (проблемы и опыт)", Монография. - М.: МГУ ИКЦ «ДИС», 1997. 223 с.;
22. Vakhobov A.V. "National currency of Uzbekistan – the Soum. / Central Eurasia: national Currencies". Monograph. - Stockholm, "CA&CC Press", 2008. Sweden. -312 p.;
23. Вахабов А.В. ва бошқалар. "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва чиқиш йўллари". Монография. - Тошкент: "Akademnashr" 2009, 141 б.;
24. Вахабов А.В. и др. "Особенности управления рисками инвестиционных проектов в коммерческих банках". Монография. - Тошкент, "IQTISOD-MOLIYA", 2009, 152 б.;

25. Вахабов А.В. ва бошқалар. "Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳособот стандартларини жорий этиш методологияси". Монография. - Т.: "Молия", 2011. -188 б.;
26. Вахабов А.В. и др. "Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики". Монография. - Т.: "Молия", 2011, -300 б.;
27. Вахабов А.В. ва бошқалар. "Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш йўналишлари". Монография. - Т.: "Молия", 2012. -108 б.;
28. Вахабов А.В. и др. "Проблемы и перспективы развития рынка ценных бумаг в условиях глобализации (опыт Казахстана, Азербайджана и Узбекистана)". Монография. Евразийский национальный университет им. Л.Н. Гумилева. Астана 2015. ИП «Булатов А.Ж.», 2015. -264с.;
29. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. "Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли". Монография. "Университет" нашриёти. - Тошкент. 2017. 128 б.;
30. Вахабов А.В. и др. "Зелёная экономика", как основа устойчивого развития (Экономический рост без ущерба для экологии). Монография. - Т.: "Aloqachi", 2019, 480 с.;
31. Мирзакаримова М. "Аҳоли иш билан бандлик таркибини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари". Монография. –Тошкент.: "Наврўз" нашриёти, 2019. 228 б.;
32. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Тошматов Ш.А. "Жаҳонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш моделлари ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш хусусиятлари". Монография. - ошкент, "Университет" нашриёти, 2020. 278 б.;
33. Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б. "Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш" Монография. - Тошкент, "Университет" нашриёти, 2020. 155 б.;
34. Режапов Х.Х. "Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг методологик муаммолари". Монография. - Тошкент, "Университет" нашриёти, 2021. 186 б.;
35. Умурзакова М.Н. "Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртани ривожлантиришнинг истиқболлари". Монография. - Тошкент, 2021. 131 б.;
36. Вахабов А.В., Аманова М.Д. и др. "Современные особенности влияние теневой экономики на постсоветском пространстве и пути смягчения её последствий". Международная коллективная монография. – Т.: Университет. 2021. -372 с.
37. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ЮСАИД (USAID)нинг "Ўзбекистонни Умумжаҳон савдо ташкилотига киришининг мамлакат озиқ-овқат саноатига таъсирини миқдорий ва сифат оқибатларини баҳолаш" (2005 й.) (Research project on "Quantitative and qualitative assessment of implications and impact on the food industry of the country resulting from Uzbekistan's accession into WTO");
38. "Марказий Осиёда Олий таълим. Модернизациялаш муаммолари". Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки/ Жаҳон банки лойиҳаси. (Higher Education in Central Asia The Challenges of Modernization Case Studies from Kazakhstan, Tajikistan, The Kyrgyz Republic and Uzbekistan. World Bank Higher Education in Central Asia) (2005-2006)
39. Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган Микромолиялаш институтлари Миллий ассоциацияси ва Микромолия Маркази (Польша) ҳамкорлигида амалга оширилган "Молиявий Саводхонлик Дастури - 2" лойиҳаси. Молиявий саводхонлик асослари: ўқув қўлланма/ А.В.Вахабов, Ш.А. Тошматов, Н.Х. Хайдаров, А.В. Вахабов. – Тошкент: Бактрия Пресс, 2013, 288 б. (EU FINANCIAL EDUCATION PROGRAM (FEP) FOR LOW-INCOME HOUSEHOLDS IN UZBEKISTAN (PART II) 2011-2015)
40. "MikroKlima FfE\_IB-017" Марказий Осиёда уй хўжаликлари кичик ва ўрта корхоналар(КЎК) ни иқлим ўзгаришига микромолиялаштириш дастаклари ёрдамида мослаштириш (Германия таълим ва илмий тадқиқот вазирлигининг Bundesministerium fur Bildung und Forschung илмий гранти. 2016-2017 йй.). (Project "Klimawandelan Passung privater Haushalte und KMU in Zentralasien durch Maßnahmenim Mikrofinanzsektor» (MikroKlima FfE\_IB-017))

41. ОТ-Ф-124 – Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва қишлоқ ҳудудларида институционал ислоҳотларни чуқурлашуви (2007-2011 йй.);

42. Ф-1-115 – Иқтисодиётни модернизациялашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш (2012-2016 йй.);

43. Ф-1-176 – Барқарор иқтисодий ривожланишни “яшил иқтисодиёт” асосида таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш (2017-2021 йй.).

44. А-2-61 – Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари (2014-2016 йй.).

45. ПЗ-20170930109 - Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш йўналишлари (2018-2020 йй.).

46. А-ОТ-2021-461 - Умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш бўйича мултимедиа технологияларига асосланган ўқув курси платформасини яратиш (2021-2022йй.).